

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Учтепа тумани Мактабгача таълим
бўлими "Харид комиссияси" раиси
Н.Х.Хантураева

Учтепа тумани Мактабгача таълим бўлими
тассаруфидаги 338-сонли давлат мактабгача таълим
ташкилотини биносини куз-қиши мавсумини барқарор ва
беталофат ўтказиш мақсадида иссиқлик тизимини
таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича энг яхши
таклифни танлаш.

Хизмат номи: Мактабгача таълим бўлими тассаруфидаги 338-сонли давлат
мактабгача таълим ташкилотини биносини куз-қиши мавсумини барқарор ва
беталофат ўтказиш мақсадида иссиқлик тизимини таъмирлаш ишларини олиб
бориш.

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 297 000 000 (*Икки юз тўқсан йитти миллион*)
сўм

Танлаш хужжатларини қабул қиласиган ва танлаш ўтказиладиган манзил:
<https://etender.uzex.uz>

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари
мумкин:

- Солик органларининг электрон давлат хизматлари порталидан олинган ЭРИ билан тасдиқланган маълумотнома тақдим этилиши лозим. Иштирокчи томонидан маълумотнома тақдим этилмаслиги ёки мазкур талаб асосида тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Муддати ўтган карздорлиги мавжуд ёки маълумотномани нотўғри тақдим этган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Танлаш иштирокчиси шартномани бажариш учун зарур техник (*қурилиши йўналишида мавжуд техникалари: қурилиши материаллари ташувчи юк автомобиллари, қурилиши ишларида бевосита қатнашувчи техникалар*), молиявий, моддий, базаси борлиги хақида ташкилотга тегишлилиги хақида маълумот нусхаси, З тадан ортиқ бўлиши керак. Иштирокчининг маълумот тақдим этмаслиги минимал балл билан баҳоланади, агар тақдим этмаса танлашдан четлаштирилади;
- 2021-2022 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлари бўйича бажарган ишлари рўйхати, мазкур ишлар бўйича имзолangan шартномалар нусхаси электрон шаклда тақдим этилиши лозим. Мазкур эълонда кўрсатилган ишлар билан бир хил турдаги ишларни тузилган шартнома шартларига асосан бажарган иштирокчilarга баҳолашда устунлик берилади. Иштирокчи томонидан маълумот тақдим этилмаслиги ёки мазкур талаб асосида тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси электрон шакли; банк реквизитлари, юридик ва почта манзили, таъсисчи ва бенефициар тўғрисида давлат тилида ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган маълумотлар (*таъсисчи ва бенефициарнинг СТИР, паспорт ёки ID-карта нусхаси электрон шаклда, телефон рақами*), Мазкур маълумотлар ёки

маълумотта иловалар тўлиқ тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Маълумотларниң нотўгри тақдим этилганлиги аникланса иштирокчи танлашдан четлаштирилади;

- Ягона миллий меҳнат тизими базасидан олинган 5 нафардан кам бўлмаган, меҳнат стажи 3 йилдан кам бўлмаган мутахассисилар тўғрисида маълумотлар тақдим этилиши лозим (электрон меҳнат дафтарчаси нусхаси ва бошқа ҳужжатлар). Иштирокчи мазкур талаб асосида маълумот тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; инсофсиз ижрочиларниң ягона реестрида қайд этилмагалиги; шартнома тузиш учун қонуний хукукка әгалиги тўғрисида давлат тилида ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Иштирокчининг кафолат хатини тақдим этмаслиги ёки талаблар асосида тўлиқ тақдим этмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- Ташкилотнинг расмий бланкасида давлат тилида тасдиқланган ҳолда коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилиши шарт. Ариза тақдим этмаган ёки коррупция кўринишларига йўл қўймаслик маъносини англатмайдиган бошқа ариза тақдим этган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Лизинг, банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларининг мавжуд эмаслиги ва 2021-2022 йиллар ҳисоб рақамидаги айланма маблағлари микдори ва тақлифларни қабул қилиш даврида ҳисоб рақамида мавжуд маблағлар тўғрисида БАНК маълумотномаси илова қилиниши шарт. Бажариладиган ишлар кийматидан ортиқ маблағга эга бўлган иштирокчиларга баҳолашда устунлик берилади. Маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Танлаш иштирокчиларининг тақлиф қилган корхонасининг энг камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишилиги. Иштирокчининг тажрибага эга бўлмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- Курилиш Вазирлиги электрон рейтингида ишончлилик тоифаси “С” бўлган ва рейтинг баҳоси “DDD” дан кам бўлмаслиги керак;
- Курилиш ишлари олиб борилиши лозим бўлган обьектнинг кўздан кечирилиганлиги. Бунда кўздан кечирилганлиги тўғрисида далолатнома тузилиб, ДМТТ раҳбари, хўжалик мудири, туман МТБ эксплуатация ҳизмати бошлиғи, МТБ инженери ва иштирокчи вакили томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Ушбу маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади.

Танлаш иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш коидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Учтепа тумани МТБ Эксплуатация ҳизмати бошлиғи – М.Фаниев, Тел.: (90) 902-64-63, (97) 719-60-15.

Тақлифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана: Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 5 календарь куни давомийлигига белгиланган вактга кадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар Учтепа тумани Фарход кўчаси 21уй.

Танлов хужжатларини расмийлаштириш талаби:

- Танлов иштирокчиси фақат битта тақлиф беришга хакли;

- Таилов хужжатларида тузатишларга (мати, сўз ва ракамларни бўяшга) йул кўйилмайди. Агарда хужжатларда тузатишлар аникланса ушбу таилаш хужжати комиссия томонидан четлантирилади;
- Таилаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва тўгрилиги учун жавобгар бўлади.

Таилов иштирокчиларига қўйидаги ишларга қўйиладиган талаблар

2.1. Бажариладиган ва кўрсатиладиган хизматларни ўз вактида ва сифатли тарзда амалга ошириш, жорий таъмирлаш ишларини шартномада келтирилган муддатда топшириш.

2.2. Иш бажарувчи туман Мактабгача таълим бўлимига курилиш ва жорий таъмирлаш ишлари учун ишлатиладиган коммунал хизматлардан фойдаланиш учун ёзма ариза ва ишлатиладиган коммунал хизматлар учун олдиндан маҳсус ҳисоб рақамга тўловни амалга ошириш.

2.2. Юкоридаги ишларни меҳнатни муҳофаза килиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитилган ва электор хавфсизлиги бўйича малака гурухида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

2.3. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва уларни иш жараёнида тадбик килиш.

2.4. "Пудратчи" иш вактини ташкил этиш ва назорат килиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техник хавфсизлиги қоидаларига тўлик риоя этишини таъминлаш.


2.5. Мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ва тарбияланувчиларига ҳалакит бермасдан ўз вазифаларини бажариш.

**Учтепа тумани МТБ эксплуатация
хизмат бошлиғи.**

Учтепа тумани МТБ ДХШБМ



М.Фаниев


А.Махмудов